



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 11 » aprel

№ 169

Toshkent sh.

### **Волонтёрлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон Фармони билан тасдиқланган 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон волонтёрлари ассоциацияси ҳамда Адлия вазирлигининг волонтёрлар **фаолиятини қўллаб-қувватлаш**, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда – давлат органлари) **вазифалари ва функцияларини бажаришда волонтёрлик фаолиятини жорий этиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. **2022 йил 1 июндан** бошлаб қуйидагиларни амалга ошириш имконини берувчи **Ўзбекистон ёшлар портали негизида яратилган волонтёрлар электрон платформаси** (кейинги ўринда – волонтёрлар платформаси) ишга туширилсин:

волонтёрларнинг ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар, лойиҳалар ва акциялардаги иштироки, шунингдек, давлат органлари фаолиятига қўмаклашган даврини қайд этиб бориш;

волонтёрлар гуруҳига киритилган волонтёрларни ҳисобга олиш;

худудлар ва фаолият йўналиши бўйича волонтёрлик ёрдамини жалб қилишга қизиқиш билдираётган давлат органлари рўйхати ҳамда уларнинг тадбирлари, лойиҳалари ва акцияларини жойлаштириш;

давлат органларининг волонтёрлар билан ишлашига оид методик тавсияларни жойлаштириш;

волонтёрлик фаолиятини чет элда амалга ошириш.

Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) волонтёрлар платформасини **тўлиқ ишга туширсин** ҳамда унинг доимий техник қўллаб-қувватланишини таъминласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат органлари раҳбарлари волонтёрлар жалб этиладиган **йўналишлар рўйхатини ҳамда ички йўриқномасини** тасдиқлайди;

давлат органларига уларнинг фаолиятини самарали ва тежамли шаклда амалга оширишга кўмаклашувчи **волонтёрлик гуруҳлари тузилади** ҳамда уларга волонтёрлар ушбу давлат органларида ташкил этиладиган комиссия томонидан суҳбат асосида танлаб олинади;

давлат органларида тузиладиган волонтёрлик гуруҳларининг фаол аъзолари давлат органларининг **бюджетдан ташқари маблағлари** доирасида ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан **рағбатлантириб борилади;**

ҳар бир давлат органи ҳузуридаги **жамоатчилик кенгашлари** фаолиятига волонтёрлик ташкилотларининг **ташаббускор вакиллари** жалб қилинади.

4. Давлат органларининг ёшлар билан ишлашга масъул бўлган **раҳбар ўринбосарларига (маслаҳатчиларига)** волонтёрлар билан ишлаш **ваколати юклатилсин** ва унинг доирасида уларнинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат органи фаолияти билан боғлиқ **волонтёрлик дастурларини** тайёрлаш ва тасдиқлаш учун давлат органи раҳбарига киритиш;

давлат органи томонидан волонтёрлар иштирокида ижтимоий аҳамиятга молик **тадбирлар, лойиҳалар ва акциялар** ўтказилишини ташкил этиш;

давлат органи фаолиятини амалга оширишга жалб этиладиган **волонтёрларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига** риоя этилишини таъминлаш;

давлат органи фаолиятини амалга оширишга жалб этиладиган волонтёрлар томонидан ушбу қарор билан тасдиқланган низом талабларига риоя этилишини **назорат қилиш;**

давлат органининг вазифалари ва функцияларини волонтёрлик орқали **самарали ва тежамли шаклда амалга ошириш** юзасидан таклифлар киритиш;

давлат органи фаолиятини амалга оширишга жалб этиладиган волонтёрларни **моддий ва маънавий жихатдан рағбатлантириш** тўғрисида таклифлар киритиш.

5. Белгиласинки, давлат органларининг уларнинг вазифалари ва функцияларини бажаришда волонтерликни жорий этиш билан боғлиқ фаолияти Ёшлар ишлари агентлиги томонидан баҳоланиб, баҳолаш натижаларига асосан уларнинг **ҳар чораклик рейтинг кўрсаткичлари** волонтерлар платформасида эълон қилиб борилади.

6. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат органларининг вазифалари ва функцияларини волонтерлик орқали нисбатан самарали ва тежамли шаклда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги намунавий низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Давлат органлари раҳбарлари:

а) бир ой муддатда:

ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий низом асосида давлат органининг вазифалари ва функцияларидан келиб чиқиб, **уларни волонтерлик орқали нисбатан самарали ва тежамли шаклда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомларни;**

**волонтерлар жалб этиладиган йўналишлар рўйхатини ҳамда ички йўриқномани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;**

б) ҳар йили давлат органларининг вазифалар ва функцияларини самарали амалга оширишга кўмаклашган **фаол волонтерларни рағбатлантириш** чораларини кўрсин.

8. Ёшлар ишлар агентлигига давлат органларига волонтерлар билан самарали ишни ташкил этиш бўйича **методик ёрдам кўрсатиш вазифаси юклансин.**

9. Ёшлар ишлар агентлиги (А.Саъдуллаев):

бир ой муддатда режа-жадвалга асосан давлат органларининг ёшлар билан ишлашга масъул бўлган раҳбар ўринбосарларига (маслаҳатчиларига) ҳамда бошқа ходимларига **волонтерлар билан самарали ишни ташкил этиш бўйича семинар ва онлайн-курслар ўтказсин;**

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан **ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳар бир ҳудуддаги 5 та энг яхши волонтерлик лойиҳаларини** амалга ошириш учун волонтерлик гуруҳлари ва волонтерлик ташкилотларига ҳар бир лойиҳа учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача миқдорда** маблағ ажратсин;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда волонтерлар билан ишлашда **юқори натижаларга** (ҳуқуқий, молиявий, ташкилий ва бошқалар) эришган **хорижий мамлакатларнинг амалиётини ўрганиб,** таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибиятига ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**

**Давлат органларининг вазифалари ва функцияларини  
волонтёрлик орқали нисбатан самарали ва тежамли  
шаклда амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда – давлат органлари) вазифалари ва функцияларини волонтёрлик орқали нисбатан самарали ва тежамли шаклда амалга ошириш тартибини белгилайди.

**2-боб. Волонтёрларни давлат органлари фаолиятига жалб этиш**

2. Давлат органларининг вазифа ва функцияларини волонтёрлик орқали нисбатан самарали ва тежамкор шаклда бажариш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

Вояга етган, волонтёр сифатида жалб этилаётган тегишли соҳа бўйича билим ва кўникмага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари фаолиятига волонтёр сифатида жалб этилиши мумкин.

3. Қуйидаги фуқароларнинг давлат органи фаолиятига волонтёр сифатида жалб этилишига йўл қўйилмайди:

муомалага лаёқати белгиланган тартибда чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган;

волонтёр сифатида жалб этилаётган тегишли соҳа бўйича етарли билим ва кўникмага эга бўлмаган;

давлат органи ходими – ўзи ишлаётган давлат органи фаолиятида (корпоратив волонтёрлик бундан мустасно);

ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилган, шунингдек, қасддан жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган;

жиноий жазони ўтаётган;

белгиланган вазифаларни амалга оширишга монелик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсони мавжуд бўлган;

ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар;

диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари.

4. Профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган фуқаролар ушбу таълим муассасаларидаги таълимдан ташқари вақтларда волонтерлар гуруҳи таркибида волонтерлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

5. Давлат органи раҳбари томонидан амалга оширишга волонтерлар жалб этиладиган давлат органининг вазифалари ва функциялари рўйхати тасдиқланади.

Бунда давлат органларининг қуйидаги таркибий тузилмаларига волонтерларнинг жалб этилишига йўл қўйилмайди:

пул маблағлари билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи;

махфий маълумотларни сақловчи ва улар билан ишловчи;

инсон ҳаёти учун хавfli бўлган, бажарилиши алоҳида билим ва кўникма талаб этадиган вазифаларни амалга оширувчи.

6. Давлат органлари доимий равишда ўзининг расмий веб-сайтларида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ўз фаолиятига волонтерларнинг жалб этилиши бўйича танлов ўтказилиши ҳақида эълон бериб боради.

Эълонда волонтерлар жалб этиладиган давлат органининг фаолият йўналиши ҳамда талабгорларга қўйиладиган талаблар кўрсатилади.

7. Волонтерларни саралаб олиш бўйича танлов давлат органида ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия давлат органининг тоқ сондаги масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади. Унга ёшлар билан ишлаш ваколати юклатилган давлат органлари раҳбарининг ўринбосари ёки маслаҳатчиси (кейинги ўринларда – раҳбар ўринбосари (маслаҳатчиси)) раислик қилади.

8. Танлов суҳбат асосида ўтказилади. Комиссия ташаббусига ёки талабгорнинг илтимосига асосан суҳбат жараёни аудио ёки видеоёзув воситалари орқали қайд этилиши мумкин.

Суҳбат якуни бўйича давлат органининг волонтерлар жалб этиладиган фаолият йўналиши бўйича билим ва амалий кўникмага эга бўлган талабгорлар давлат органи ҳузуридаги волонтерлар гуруҳига (кейинги ўринларда – волонтерлар гуруҳи) қабул қилинади.

### **3-боб. Давлат органлари фаолиятига жалб этилган волонтерларни ҳисобга олиш**

9. Давлат органи раҳбарининг буйруғига кўра давлат органи ҳузурида танлов натижаларига асосан танлаб олинган волонтерлардан иборат волонтерлар гуруҳи ташкил этилади.

10. Волонтёрлар гуруҳига киритилган волонтёрлар давлат органи кадрлар хизмати томонидан Ўзбекистон ёшлар портали негизида яратилган волонтёрлар электрон платформаси (кейинги ўринларда – электрон платформа) орқали ҳисобга олинади.

11. Волонтёрларни электрон платформа орқали ҳисобга олишда куйидагилар кўрсатилади:

волонтёрнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

туғилган санаси;

паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари;

давлат органи ҳузуридаги волонтёрлар гуруҳида фаолиятини бошлаган сана;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш йўналиши.

12. Волонтёрнинг волонтёрлар гуруҳида фаолият юритган даври доимий равишда электрон платформада акс эттирилади.

Бунда волонтёр томонидан электрон платформа орқали волонтёрлар гуруҳида фаолият юритган даври тўғрисида ҳар қандай пайтда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани юклаб олиш имконияти яратилади.

#### **4-боб. Волонтёрлар ишини ташкил этиш**

13. Давлат органи раҳбари буйруғи билан ҳар йили волонтёрлик дастури тасдиқланади.

Волонтёрлик дастурида:

давлат органи томонидан ўтказиладиган, жамоат учун фойдали бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш орқали кутилаётган натижалар;

давлат органининг волонтёрлар жалб этиладиган фаолият йўналишлари кўрсатилади.

Волонтёрлик дастурида қонунчиликда белгиланган бошқа чора-тадбирлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

14. Волонтёрлар ишини ташкил этиш раҳбар ўринбосари (маслаҳатчиси) билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бунда у волонтёрларга йўл-йўриқ кўрсатади, улар ўртасида ишни тақсимлайди, ҳар бир волонтёрнинг иш ҳажмини белгилайди, ишнинг улар томонидан бажарилишини назорат қилади, бошқа давлат органлари ҳузуридаги волонтёрлар гуруҳлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди.

## 5-боб. Волонтёрларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Волонтёрлик гуруҳи аъзоси бўлган волонтёр давлат органи фаолиятига кўмаклашиш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органида ўзи томонидан амалга ошириладиган фаолият йўналишини эркин танлаш;

агар волонтёр ҳамда давлат органи ўртасида тузилган волонтёрлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат органидаги волонтёрлик фаолиятини ҳар қандай вақтда эркин равишда тўхтатиш;

давлат органига ўз лойиҳа ва дастурларини таклиф қилиш, уларни амалга оширишда ёрдам олиш;

раҳбар ўринбосаридан (маслаҳатчисидан), давлат органидан амалга ошириладиган волонтёрлик фаолияти тўғрисида ишончли ахборот олиш;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этиладиган волонтёрлик акциялари ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

давлат органидан волонтёрлик фаолияти давомида юзага келган йўл ҳақи, яшаш, овқатланиш харажатлари ва бошқа харажатларнинг қопланишини ҳамда зарурат туғилганда махсус кийим-бош, якка тартибда ҳимояланиш воситалари, асбоб-ускуналар билан таъминлашни талаб қилиш;

давлат органидан тавсиянома тусидаги хатларни олиш;

хавфли, зарарли ҳамда ноқулай омиллар билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб қилинганда давлат органи маблағлари ҳисобидан ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилдириш.

16. Волонтёрлик гуруҳи аъзоси бўлган волонтёр давлат органи фаолиятига кўмаклашиш доирасида қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

волонтёрлик фаолияти доирасида унинг зиммасига юклатилган вазифаларни аниқ, виждонан ва ўз вақтида бажариш;

раҳбар ўринбосарини (маслаҳатчисини) ўзига маълум бўлиб қолган волонтёрлик фаолияти доирасидаги тадбирларни амалга оширишни қийинлаштирадиган сабаблар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

волонтёрлик фаолияти доирасида ўзига маълум бўлган давлат органи фаолияти билан боғлиқ маълумотларни, шунингдек, бошқа волонтёрларнинг шахсга доир маълумотларини уларнинг розилигисиз ошкор қилмаслик;

волонтёрлик фаолияти доирасида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслик, ўз фаолияти билан учинчи шахсларга ва атроф муҳитга зарар етказмаслик;

волонтёрлик тадбирларининг бошқа иштирокчиларига, шу жумладан, ҳамкорлик олиб бориладиган муассасалар (ташкилотлар) ходимларига ҳамда бошқа волонтёрларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;



волонтёрлик тадбирларини ўтказиш жараёнида раҳбар ўринбосарининг (маслаҳатчисининг) кўрсатмаларига амал қилиш;

ўз фаолияти тўғрисида раҳбар ўринбосарига (маслаҳатчисига) ҳисобот тақдим этиб бориш;

волонтёрлик фаолияти доирасида давлат органида ўрнатилган хавфсизлик, техника, санитария-гигиена ва ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш;

давлат органи мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

### **6-боб. Давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

17. Давлат органи ўз фаолиятига жалб этилган волонтёрлар билан муносабатда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

волонтёрлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

волонтёрларни жалб қилган ҳолда волонтёрлик акцияларини ўтказиш;

волонтёрлик гуруҳи аъзолари орасидан волонтёрларни мувофиқлаштирувчини тайинлаш;

волонтёрлик гуруҳи аъзоларини ўқитиш учун таълим фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни жалб этиш, махсус семинарлар, ишчи учрашувлар ва волонтёрларнинг учрашувларини ўтказиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда волонтёрларни рағбатлантириш, шу жумладан, энг кўп ўзини кўрсатган волонтёрларга тавсия тусидаги хатлар тақдим этиш ҳамда уларни рағбатлантириш ва (ёки) мукофотлаш учун номзодларни белгиланган тартибда тақдим этиш.

18. Давлат органи ўз фаолиятига жалб этилган волонтёрлар билан муносабатда қуйидаги мажбуриятларга эга:

волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш;

волонтёрларни уларнинг хоҳиш-истагидан ташқари волонтёрлик шартномасида кўрсатилмаган вазифаларни бажаришга мажбурламаслик;

ўзининг фаолиятига жалб қилинган волонтёр, агар у волонтёрлик фаолияти билан ойига 20 соатдан кўпроқ банд бўлса, волонтёр билан волонтёрлик шартномасини тузиш;

волонтёрга режалаштирилаётган ҳамда амалга оширилаётган волонтёрлик дастурлари ва волонтёрлик акциялари, улар иштирокчиларининг сони, акциялар ўтказиладиган жой ҳамда вақт, уларни ўтказишга доир талаблар тўғрисида ахборот тақдим этиш, шу жумладан, ўз расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали ахборот тақдим этиш;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш чоғида волонтёрларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, волонтёрларга

уларнинг давлат органи фаолиятига кўмаклашиши давомида юзага келган йўл ҳақи, яшаш, овқатланиш харажатлари ва бошқа харажатларни қоплаш ҳамда зарурат туғилганда махсус кийим-бош, якка тартибда ҳимояланиш воситалари, асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

хавфли, зарарли ҳамда ноқулай омиллар билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб қилинганда ўз маблағлари ҳисобидан волонтерларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш.

### **7-боб. Волонтерлик шартномаси**

19. Агар давлат органи фаолиятига жалб этилган волонтер ойда 20 соатдан кўпроқ волонтерлик фаолияти билан банд бўлса, волонтер билан волонтерлик шартномаси тузилиши шарт.

Волонтерлик шартномаси икки нусхада расмийлаштирилади, улардан бири волонтерлик фаолиятининг ташкилотчисида, иккинчиси эса волонтерда сақланади.

20. Волонтерлик шартномасида “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида белгиланган шартлар кўрсатилиши лозим.

21. Агар волонтерлик шартномасини бажариш жараёнида волонтернинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни амалга оширишни қийинлаштирадиган ҳолатлар тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келса, шартнома қайта кўриб чиқилади.

22. Агар волонтерлик шартномасини бажариш жараёнида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра шартномани бундан буён бажариш мумкин бўлмай қоладиган ҳолатлар юзага келса, шартнома тарафлардан бирининг ташаббусига кўра бекор қилинади.

23. Волонтерлик шартномасини бир томонлама тартибда бекор қилиш, агар волонтерлик шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, волонтер томонидан ёки жалб этилган ташкилот томонидан бу ҳақида етти кун олдин дастлабки тарзда хабардор қилиш шarti билан ва сабабларни кўрсатиш мажбуриятларисиз амалга оширилади.

24. Якка тартибдаги меҳнат шартномасини ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини ёхуд шу каби ҳар қандай бошқа шартномани тузишдан бош тортиш мақсадида волонтерлик шартномасини тузиш тақиқланади.

### **8-боб. Волонтерлар гуруҳи аъзолигидан чиқиш**

25. Волонтер ўзи истаган ҳар қандай пайтда волонтерлар гуруҳи аъзолигидан чиқиши ва у билан тузилган шартномани бекор қилиши мумкин.

Волонтёр бу ҳақида раҳбар ўринбосарини (маслаҳатчисини) икки кун олдин огоҳлантириши лозим.

26. Волонтёрнинг волонтёрлар гуруҳи аъзолигидан чиқиши давлат органининг кадрлар хизмати томонидан электрон платформада қайд этилади.

Бунда волонтёрнинг волонтёрлар гуруҳида аъзолиги давридаги фаолияти раҳбар ўринбосари (маслаҳатчиси) томонидан 10 баллик тизимда баҳоланиши мумкин.

27. Қуйидаги ҳолларда волонтёрлик шартномаси давлат органи томонидан бекор қилиниши лозим:

волонтёр волонтёрлик шартномаси шартларини икки ёки ундан ортиқ марта узрли сабабларсиз бузганда;

волонтёр суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

волонтёрга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

волонтёр вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда;

волонтёрнинг волонтёрлик шартномаси шартларини бажаришига монелик қиладиган бошқа ҳолларда.

28. Волонтёр волонтёрлик гуруҳидан чиққан тақдирда, волонтёрлик дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун давлат органи ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов орқали волонтёрларни жалб этиши мумкин.

### **9-боб. Яқунловчи қоида**

29. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат органларининг вазифалари ва функцияларини  
волонтерлик орқали нисбатан самарали ва тежамли  
шаклда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги  
намунавий низомга  
илова

## Давлат органларининг вазифалари ва функцияларини волонтерлик орқали нисбатан самарали ва тежамли шаклда амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (давлат органи)	Давлат органи раҳбари амалга оширишга волонтерлар жалб этиладиган давлат органининг вазифалари ва функциялари рўйхатини ва волонтерлик дастурини тасдиқлайди.	Ҳар йили
2-босқич	Давлат органи	Ўзининг расмий веб-сайтларида ва ижтимоий тармоқлардаги сахифаларида ўз фаолиятига волонтерларнинг жалб этилиши бўйича танлов ўтказилиши ҳақида эълон бериб боради. Эълонда волонтерлар жалб этиладиган давлат органининг фаолият йўналиши ҳамда талабгорларга қўйиладиган талаблар кўрсатилади.	Доимий равишда
3-босқич	Давлат органида ташкил этиладиган комиссия	Сухбат асосида волонтерликка номзодларни саралаб олади.	Танлов якунларига кўра
4-босқич	Давлат органи	Давлат органининг волонтерлар жалб этиладиган фаолият йўналиши бўйича билим ва амалий кўникмага эга бўлган талабгорлар давлат органи хузурида ташкил этиладиган волонтерлар гуруҳига қабул қилинади ҳамда давлат органи кадрлар хизмати томонидан Ўзбекистон ёшлар портали негизида яратилган волонтерлар электрон платформаси орқали ҳисобга олинади.	Сухбат якуни бўйича

5-босқич	Давлат органи ёки волонтер	Давлат органи ёки волонтернинг хошига кўра волонтерлик шартномасини бир томонлама бекор қилади.	Хар қандай вақтда иккинчи тарафни шартномани бекор қилиш ҳақида етти кун олдин огоҳлангирган ҳолда
6-босқич	Давлат органи раҳбарининг волонтерлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ўринбосари	Волонтернинг волонтерлар гуруҳида аъзолиги давридаги фаолиятини 10 баллик тизимда баҳолайди.	Волонтер волонтерлар гуруҳи аъзолигидан чиққанидан сўнг

